Маориф ва маданиятга нихоят даражада сувсагон Туркистонда уч ярим йиллик инкилоб давринда эзилган халкнинг тараккий ва таолийси учун нима ишлар килинди, кандай муассасалар вужудга кетуридди?

Бу улуг саволга аччиг бўлса-да, тубандаги сўзлардан бошка тўгрирок жавоб тополмаймиз:

Бу уч ярим йиллик инкилобий даврда кўп сўзлар сўйланди. Митинглар килинди, ташвикотлар этилди. Ва гоят яхши карорлар чикарилди. Лекин йўк даражасинда оз иш килинди. Мактанурлик ва ифтихор этурлик ишлар хануз ишланмади.

Халкнинг олдин бориши, юртнинг тинчланмоги ва кучли бўлмоги маориф, аскарлик, иктисод ва дехкончилик ишларининг тузук бир-бирига кўйилиши билан бўладурким, маалтаассуф, бу тўгриларда хануз халк учун фойдали ва кўзга кўринурлик ишлар килингон эмас.

Маориф ишлари гоят паришон бир холдадир. Мактаб бор, дуруст муаллим йўк. Талаба бор, лекин унга кераклик китоб йўк ёки мактабда кифоя этатургон асбоб (мисол, парта, печка, ўтун) йўк. Бу холда биз маориф ишлари тевишли йўлга кўйилгон дея олмаймиз. Аскарлик жихатидан холимиз ундан хам ёмондир. Холбуки, юртни сакламок ва халкнинг тинчлигини тайин этмак учун аскар керакдир. Туркистоннинг ерли ахолисиндан аскар олмок учун марказда яхши карорлар чикарилгон ва бултур аскар олина бошлагон бўлса-да, бу ишдан хануз яхши бир натижа кўра олгонимиз йўк.

Агар бизнинг бошка карор ва ишларимиз хам шунингдек эътиборсиз ва натижасиз ўтуб кета берса, биз бу хол билан дунёда хеч бир иш кила олмаймиз.

Зироат ишлари аввалги холидан хам неча даража кейинда колди. Биз инкилоб даврида зироат ишларини бир йўлга солмок ўрнида дехконларни таладик. От ва хўкизларини олдик, отрядлар юбориб дехконларни таёк ости килдик, хотун, бола-чакаларининг ор ва номусига тажовуз этдурдик. Мунинг билан уларнинг кўнглини ишдан совутдик. Охири, бу ишларимизнинг хато эканлигини билиб энди алар билан тўгри муомала этарга

бошладик ва аларга ёрдам бермаклик лозимлигини англадик.

Сўз маносабати келгач, «Тил масаласи»дан бир оз ёзайлук.

Туркистонда аксар ахоли мусулмон бўлдиги эътиборга олиниб, мундан уч йил бурун туркча тил - расмий давлат тили деб эълон этилса-да, буни амалга киргизмак учун хануз жиддий тадбир кўролмадик. Балки бу «эски хаммом-эски тос» мазмунича кўп махкама ва идораларда хануз рус тили хукм фармойишдадир.

Хукуматнинг идора ва махкамаларида туркий тилни ишлатмак учун бошлаб таржимонлар, мирзолар ва бухгалтирлар етишдурмак керак эди ва мунинг учун керакли ишлар хозирламак лозим эдики, маалтаассуф, бу ишлар бу кунгача ишланмади. Шунинг учун бу карор ва буйрук-дан хам яхширок натижа чикмади. Юкоридаги баёнотдан маълум бўладиким, биз хануз «сўз» ва «карор» даврида бўлиб, бу уч ярим йиллик инкилоб замонида буйрук, карордан бошка жиддий ва фойдали бирор иш кила олмагон ва бошлагон ишларимизни тинчлик бир йўлга кўя олмагон эканмиз. Энди курук сўз ва карорлардан тўйдик. Энди бизнинг ишламакимиз керак. Ва иш билатургон ишчилар етишдирмогимиз керак!

«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1921 йил, 26 май